

КАСПИЙ ОҚБОШ (*KARALINIA CASPICA* L.) ЎСИМЛИГИНИ ФАРМАКОГНОСТИК ЎРГАНИШГА ДОИР

Г.Қ.Рахимова, Х.Х.Холматов

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон
Республикаси

Ишнинг мақсади: Республикамизда кундан-кунга қандли диабет касаллиги ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Аммо касалликни даволаш учун синтетик препаратларни қўллаш турли хил ножўя таъсирларни юзага чиқармоқда. Шунинг учун худудимизда кенг тарқалган доривор ўсимликлар асосида самарали ва хорижий препаратларни ўрнини босадиган дори воситаларини яратиш фармация фанининг долзарб вазифаларидан биридир. Каспий оқбош (*Karalinia caspica* L.) ўсимлиги қадимдан қандли диабет касаллигини даволашда қўлланилган. Лекин кам ўрганилгани туфайли ҳозирги кунда тиббиётда ўрганилмаган. Ушбу мақолада мазкур ўсимликни тиббиёт амалиётига тадбиқ қилиш мақсадида унинг маҳсулотини стандартлаш юзасидан изланишлар натижалари келтирилди.

Усуллар: изланиш объекти сифатида ўсимликлар гуллаган даврида тайёрланган баргидан фойдаланилди. Тажрибалар республикамизнинг турли туманларидан тайёрланган 5 та маҳсулот намунасида олиб борилди. Баргнинг чинлиги ташқи кўриниши, микроскопик тузилиши асосида белгиланди. Унинг сифатини белгиловчи кўрсаткичлардан ХI Давлат фармакопеяси кўрсатмаларига биноан ишлаб чиқилди ва қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди: намлиги, умумий кули, 10% хлорид кислотада эримайдиган кули, органик аралашмалари, минерал аралашмалар миқдори, ўсимлик қорайган ва сарғайган қисмлар ҳамда таркибидаги асосий таъсир этувчи моддалар миқдори аниқланди.

Натижалар: макроскопик таҳлил натижасида оқбош ўсимлигини барги эллипсимон шаклда, текис қиррали, дағал, бир оз этли, ўткир учли эканлиги белгиланди. Маҳсулот хидсиз, ўзига хос мазали. Микроскоп остида кўрилганда эпидермис хужайралари эгри-бугри жойлашган, эпидермиснинг юқори қаватида оддий туклар, бошчали тукларни кўриш мумкин. Маҳсулотининг намлиги 10%, умумий кули 12%, 10% хлорид кислотада эримайдиган кули 2%, органик аралашмалари 1%, минерал аралашмалар 0,3%, ўсимлик қорайган ва сарғайган қисмларининг рухсат этилган миқдори 1% дан кўп бўлмаслиги белгиланди. Маҳсулотнинг асосий таъсир этувчи моддалар гуруҳи - ошловчи моддаларни аниқлаш учун темир хлорид билан комплекс ҳосил қилувчи реакцияси тавсия этилди. Уларнинг

миқдори официнал пергонометрик усул ёрдамида аниқланиб, унинг меъёри 7,2% дан кам булмаслиги белгиланди.

Хулосалар: юқорида келтирилган натижалардан каспий оқбоши баргига меъёрий техник хужжат лойихасини тузиш учун фойдаланилди.